

Islom.uz порталининг мобил иловалари тақдимоти бўлиб ўтди




22:07 / 27.03.2021 2346

Бугун ахборот технологиялари кириб бормаган соҳа қолмади. Қайси бир жабҳани олмайлик, қулайлик ва тезкорлик бобида замонавий ахборот технологиялари катта аҳамият касб этмоқда. Ушбу технологиялар нафақат илм соҳасида, балки соф Ислom таълимотларини тарғиб этишда, уни кенг оммага етказишда ҳам муҳим рол ўнамоқда. 2021 йил 27 март куни «Ҳилол-нашр» нашриётининг мажлислар залида фазилатли шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратлари асос солган, Ислom таълимотларини, шайх ҳазратларининг бой илмий меросини халқимизга тақдим этиб келаётган islom.uz порталининг мобил иловалари тақдимоти бўлиб ўтди.

Тадбир Қуръони Каримнинг «Алақ» сураси ва юртимизнинг мўътабар гўшалари, шайх ҳазратларининг илмий меросларини ифода этувчи видеоролик билан бошланди.

Image not found or type unknown



Тақдимотга шайх ҳазратларининг шогирдлари, мухлислари бир қатор азиз меҳмонлар, журналист ва блогерлар ташриф буюришди.

Image not found or type unknown



Ушбу тақдимотни Ўзбекистон мусулмонлари идораси масъул ходими Муҳаммад Айюб домла Ҳомидов очиб берди. «Islom.uz» портали бугунги кунда мўмин мусулмонларга мўътадил Иломни, соф ақийдани, иймон тушунчаларини ўргатадиган манба сифатида хизмат қилиб келмоқда», дея таъкидлади Муҳаммад Айюб домла.

Image not found or type unknown




Сўнгра islom.uz порталининг мобил иловалари тақдимоти бошланди. Ўз соҳасанинг мутахассиси бўлган ёш дастурчиларимиз аввал яратилган ва давом этиб турган мобил дастурлар, шунингдек, иловаларга киритилган янгиликлар, ундан қандай фойдаланиш кераклиги, қулайликлари, келгуси режалар ҳақида маълумотлар бериб ўтдилар.

Тадбирда «Islom.uz», «Hilol e-Book», «Олтин силсила», «Қуръони Карим», «Тафсири Ҳилол», «Зикр аҳлидан сўранг», «Абдурахмон Қуръон», Абдулмалик Қуръон», «Қуръон тартили», «Намоз», «Зикр ва дуолар», «Жавоҳир (арабча-ўзбекча луғат)» каби иловалар тақдим қилинди.

[Порталнинг ҳар бир иловаси ҳақида видеоролик тайёрланиб](#), меҳмонларга намоиш этиб борилди.

Image not found or type unknown




Тақдим этилган иловалар ҳақида журналист ва блогерлар ҳамда меҳмонлардан йўлланган саволларга дастурчиларимиз томонидан етарлича жавоблар бериб борилди. Шунингдек, қатнашувчилар таклиф ва мулоҳазаларини ҳам билдириб ўтдилар.



Ёш дастурчиларимиз халқимизнинг диний саводхонлигини ошириш, Ислom зиёсини кенг оммага тарқатиш, фазилатли шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф раҳимаҳуллоҳнинг илмий меросини чуқур ўрганиш, асарларидаги юксак инсоний ғояларни ва муқаддас қадриятларимизни ўзида ифода этган жиҳатларни тадқиқ этиш, маънавий баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларимизни зарарли таъсирлардан ҳимоялаш, замонавий ахборот воситалари, илмий инновациялар соҳасидаги ютуқларни ўрганиш ва фойдаланишни тарғиб қилишга қўшган ҳиссалари учун islom.uz портали томонидан ташаккурнома билан тақдирландилар. Ташаккурномаларни «Ҳилол нашр» нашриёти ва islom.uz портали раҳбари, устоз Исмоил Муҳаммад Содиқ ўз эгаларига топширдилар.

Image not found or type unknown



Islom.uz портали раҳбари, устоз Исмоил Муҳаммад Содиқ журналист ва мухлислар томонидан иловалар ҳақида берилган таклиф ва мулоҳазаларга ташаккур билдириб, келгусида бўладиган режалар ҳақида айтиб ўтди.

Image not found or type unknown




Image not found or type unknown



Шунингдек, тақдимотда Муҳаммад қори Айюб яқинлашиб келаётган муборак Рамазон ойининг фазилатига оид нашидлар айтиб берди.

Image not found or type unknown




Тадбирда «Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф» жоме масжиди имом ноиби Ҳасанхон Яҳё Абдулмажид сўзга чиқиб, islom.uz портали яратилиш тарихи, ижодкорлари ҳақида маълумотларни айтиб ўтди. Шу билан бир қаторда Ҳасанхон Яҳё қори илм учун қўлдан келганча ёрдам беришга ҳамда илм ўрганаётган ва ўргатаётган инсонларни имкон бўлса моддий томонлама қўллаб туришга, илм ривожини учун Аллоҳ йўлида доимо камарбаста бўлиб хизмат қилишга, яхшилик йўлида ҳамкор бўлишни таъкидлаб ўтди.

Image not found or type unknown




Image not found or type unknown



Шунингдек, islom.uz сайтида янги «minbar.islom.uz» деб номланувчи бўлим ишга тушиши ҳақида айтиб ўтилди. Ушбу бўлим юртимиз уламоларини бир майдонда бирлаштириб, устозлар, домлалар, имомлар ва илм аҳлларининг соф Ислом таълимотларига асосланган илмий-маърифий мақолалари, аудио ҳамда видеороликлари ўзбекзабон диндошларимизга тақдим этиб борилиши айтилди.

Image not found or type unknown



Тақдимот маросими islom.uz порталининг ижтимоий саҳифаларида ва онлайн тарзда эфирга узатилди.

Тадбир сўнгида Қуръон тиловати ўқилиб, дуолар қилинди.